

**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**GRATITUDE COMMUNICATIVE CATEGORY AND ITS SEMANTIC-PRAGMATIC ESSENCE****Mirjalol Olimovich Ziyaev**

Lecturer

"Mendeleev" private school

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: category of gratitude, speech act, speech etiquette, speech etiquette, speech situation, speech acts of gratitude, person expressing gratitude, addressee.

Received: 19.06.23**Accepted:** 21.07.23**Published:** 23.07.23

Abstract: This article revealed the essence of the communicative category of gratitude, the mechanism of the emergence of a feeling of gratitude in a person and its transfer to speech, the expression of gratitude in the language through verbal and non-verbal means, and the national aspects of expressing gratitude.

МИННАТДОРЧИЛИК КОММУНИКАТИВ КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ СЕМАНТИК-ПРАГМАТИК МОҲИЯТИ**Миржалол Олимович Зияев**

Ўқитувчи

Менделеев хусусий мактаби

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: миннатдорчилик категорияси, нутқий акт, нутқий этикет, нутқ одоби, нутқ вазияти, миннатдорчилик нутқий актлари, миннатдорчилик билдирувчи шахс, адресант.

Аннотация: Ушбу мақолада миннатдорчилик коммуникатив категориясининг моҳияти очиб берилди, инсонда миннатдорлик ҳиссининг пайдо бўлиши ва уни нутққа кўчирилиши механизми, миннатдорчиликнинг тилда вербал ва невербал воситалар орқали юзага чиқиши, миннатдорчилик билдиришининг миллий жиҳатлари ёритилди.

КОММУНИКАТИВНАЯ КАТЕГОРИЯ БЛАГОДАРНОСТИ И ЕЕ СЕМАНТИКО-ПРАГМАТИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ

Мирджалол Олимович Зияев
преподаватель
Менделеевская частная школа
Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: категория благодарности, речевой акт, речевой этикет, речевой этикет, речевая ситуация, речевые акты благодарности, лицо, выражающее благодарность, адресат.	Аннотация: В данной статье раскрыты сущность коммуникативной категории благодарности, механизм возникновения чувства благодарности у человека и его воплощение в речи, проявление благодарности в языке через вербальные и невербальные средства, национальные аспекты выражения благодарности.
---	--

КИРИШ

Миннатдорчилик коммуникатив категорияси инсоннинг яхшилик, кўрсатилган эҳтиром кабилардан туйган миннатдорлик туйғусини акс эттирувчи, шу орқали халқларнинг мулоқот одоби, нутқ маданияти, нутқий одатларини намоиш қилувчи категория саналади. Эроншунос А.Носратининг қайд этишича, “Миннатдорчиликнинг ифодаланиши мулоқот иштирокчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини белгилувчи анъанавий меъёрларга асосланади. Миннатдорчилик билдирмаганда адресант ижтимоий конвенцияни бузади ва унинг ҳаракати адресат томонидан салбий деб баҳоланади”.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дарҳақиқат, барча тил жамиятларида миннатдорчилик билдириш миллий қадрият сифатида одат тусига кирган. Шунга кўра турли халқларда миннатдорчиликни ифодалашнинг ўз тартиб-қоидалари шакллантирилган.

Миннатдорчилик ифодаси орқали турли халқларнинг мулоқот одоби, нутқий этикет қоидаларида ҳақида маълумот олиш мумкин бўлади. Зеро, нутқ эгалари мулоқотдошига миннатдорчилик билдирар экан, мулоқот одоби, нутқий этикет қоидаларини қай даражада эгаллаганлигини намоиш қиладилар. Қуйидаги матнга эътибор қаратамиз:

Қани, ўтиринг, ука, бир мантихўрлик қилайлик! – Сайфи Соқиевич тумбочка устидаги кастрюльканинг қопқоғини кўтарган эди, мурч иси гуркираб кетди...

Раҳмат, – деди ўрнидан туриб. – Хамир овқатга ҳушим йўқроқ (Ў.Ҳошимов. “Нур борки, соя бор”)

Матндан англашиладики, нутқ эгаси суҳбатдошининг овқатга таклифини “*Хамир овқатга ҳушим йўқроқ*” дея рад этса-да, ўзбек халқи нутқ одобига амал қилган ҳолда ушбу таклифга нисбатан мулоқотдошига раҳмат айтишни қанда қилмаган.

Ҳ.Турдиева эрон ва ўзбек нутқ маданиятида мақовга билдириладиган жавоб нутқий актларини таҳлил қилар экан, эрон халқи мақтов қабул қилгандан кейин сукут сақлаш ёки шунчаки жилмайиб қўйишни беодоблик, ҳурматсизлик ҳисоблаши, бу вазиятда, албатта, мулозамат ёки мақтовга нисбатан ўзини паст тутиш тамойилига амал қилиб жавоб қайтариш лозимлигини қайд этади. Аммо ўзбек нутқий маданиятида *“Жуда чиройли бўлиб кетибсиз”* мақтовига *“Раҳмат, ўзингиз ҳам қолишмайсиз”* деган жавоб энг кўп кузатилиши, бунда форс тилидан фарқли равишда ўз-ўзини пастга уриш эмас, мақовга қарата “қайтариқ мақтов” билан жавоб бериш нутқий этикет анъанасига айланганлигини таъкидлайди. Англашиладики, ўзбек халқида мақтовга миннатдорчилик билан эмас, мақтов билан жавоб беришда қўлланиладиган *раҳмат* бирлиги нутқий этикет вазифасини бажаради.

Кузатишлар асосида ўзбеклар миннатдорлик ҳиссини мулоқотдошига, асосан, қуйидаги усулларда билдириши аниқланди:

1. Миннатдорчиликни ифодаловчи махсус тил бирликлари орқали миннатдорчилик билдириш.
2. Миннатдорчиликни ифодаловчи воситалар, хусусан, ўнг қўлни кўксига қўйиб, бошни хиёл эгиш; бош эгиб, таъзим қилиш, елкани қўл билан қоқиб қўйиш, кўз қараши орқали миннатдорчилик билдириш.
3. Бирор нарса, масалан, совға, гул, пул кабиларни бериш орқали миннатдорчилик билдириш.
4. Мулоқотдошига эҳтиром кўрсатиш орқали миннатдорчилик билдириш.
5. Мулоқотдошига алоҳида меҳрибончилик кўрсатиш орқали миннатдорчилик билдириш.
6. Мулоқотдошига бирор бир ишда ёрдам қилиш, кўмак бериш орқали миннатдорчилик билдириш.
7. Мулоқотдоши қўлидан келмайдиган бирор бир ишни амалга ошириш орқали миннатдорчилик билдириш.
8. Жамоа орасида мулоқотдоши ҳатти-ҳаракатини қўллаб-қуватлаш орқали миннатдорчилик билдириш ва ҳоказо.

Булардан тил воситалари орқали миннатдорчилик билдириш лингвистика учун аҳамиятли бўлиб, тилшуносликда бу усул “сўз кўринишидаги миннатдорчилик” деб аталади. Миннатдорчиликнинг тилда ифодаланиши ҳақида сўз юритишдан олдин *миннатдорчилик* тушунчаси нимани англатишига изоҳ бериб ўтамиз.

“Ўзбек тили изоҳли луғати”да *миннатдорчилик* сўзининг *миннатдорлик* сўзи билан айнан маъно касб этиши, *миннатдорлик* “1. Миннатдор эканлик. 2. Миннатдор, мамнун ҳолат, шундай ҳис-туйғуга эгалик” маъноларини англатиши қайд этилган.

Бизнингча, *миннатдорчилик* сўзининг ушбу семантик изоҳи қаторига “эътироф этмоқлик” кўчма маъносини ҳам киритиш лозим. Чунки миннатдорчилик ҳисси қилинган яхшилик, кўрсатилган эътибор қабиладорнинг эътироф этилишини ҳам англатади.

С.И.Ожеговнинг “Рус тили изоҳли луғати”да русча “благодарность” (*миннатдорчилик*) сўзининг кўп маъноли эканлиги кўрсатилиб, унга қуйидагича изоҳ берилган: 1. Миннатдор (благодарный). 2. Бирор кимсага қилинган яхшилик, эътибор, хизмат учун билдирилган миннатдорлик ҳисси. 3. Бу ҳиссиётни ифодаловчи кўпликдаги сўзлар (Сўзл.). 4. Расмий ҳаракат.

В.И.Далнинг “Толковый словарь русского языка” луғатида эса *благодарность* (*миннатдорчилик*) сўзининг “миннатдорлик ҳисси, кимгадир яхшилик, хизмат, хайр-эҳсон учун жавоб бериш истаги; унинг амалга оширилиши” маъносини англатиши қайд этилган.

“Oxford Advanced Learner’s Dictionary” луғатида инглиз тилидаги *gratitude* (*миннатдорчилик*) сўзининг “миннатдор бўлиш, миннатдорчиликни билдиришни хоҳлаш ҳисси” маъносини англатиши кўрсатилган.

Англашиладики, “*миннатдорчилик*” (“*миннатдорлик*”) деганда инсоннинг ўзига нисбатан қилинган бирор бир яхшилик, хизмат, кўрсатилган эътибор, эҳтиром қабиладорга нисбатан миннатдорлик ҳисси тушунилади. Ҳар бир тилда инсоннинг миннатдорлик ҳиссини ифодалашда қўлланувчи тил воситалари мавжуд бўлиб, тилда миннатдорчилик коммуникатив категориясини ҳосил қилади.

Миннатдорчилик коммуникатив категориясини ташкил этувчи бундай воситаларга нутқда ушбу ҳиссий муносабатни ифодаловчи махсус лексик, грамматик бирликлар ҳамда интонация киради. Ушбу воситалар ёрдамида нутқда семантик-синтактик жиҳатдан шаклланган турли-туман миннатдорчилик нутқий актлари ҳосил қилинади.

Ўзбек тилида миннатдорчилик категорияси шахслараро муносабатни ифодаловчи категория сифатида аҳамиятли. Маълумки, миннатдорчилик нутқий актлари қилинган яхшилик, кўрсатилган эҳтиром ёки эътиборга билдирилган жавоб акти сифатида муайян шахслар ўртасида юз берадиган алоқа-муносабатларни акс эттиради. Миннатдорлик туйғусини акс этириш жавоб тарзидаги муносабат репликасини тақозо этувчи диалогик дискурсни тақозо этади. Шу сабабли миннатдорчилик нутқий актларини ўрганишда миннатдорлик ҳиссининг ҳосил бўлишига туртки берган омилларни, унинг қаерда, нима сабабдан ҳосил бўлганлигини ҳам таҳлил қилиш керак.

Инсон ўзига қилинган яхшилик, кўрсатилган эҳтиром ёки эътиборга миннатдорчилик билдирар экан, бу жараёнда ушбу яхшилик, эҳтиром ва эътиборни тан олади. Аммо бу турдаги шахслараро муносабатда қилинган яхшилик, кўрсатилган эҳтиромга раддия билдирилиши ушбу ҳатти-ҳаракатнинг тан олинмаганлиги англатади.

С.Краева миннатдорчилик нутқий актлари воситасида юзага чиқадиган шахслараро муносабатда икки киши ўртасида диалог ўрнатилиши, бундай мулоқот нафақат нутқий, балки ментал даражада амалга оширилиши ва қуйидаги тўрт босқични ўз ичига олишини қайд этади: илтимос, яхшилик қилиш, миннатдорчилик, миннатдорчиликни рад этиш. Олиманинг фикрича, илтимос бўлмаган тақдирда ҳам мулоқот яхшилик қилинишидан олдинроқ, яъни бир киши иккинчисининг қийналган ҳолатини кўриб, уни шундай ҳолатда эканлигини тан олганидаёқ бошланади.

Англашиладики, миннатдорчилик категорияси нафақат тил воситалари ва улар орқали ифодаланган *миннатдорлик* грамматик тушунчасини, балки шахслараро муносабатни акс эттирувчи **яхшилик қилиш (эхтиром кўрсатиш) – яхшиликни эътироф этиш, унга ҳиссий баҳо бериш – миннатдорчилик ҳиссини билдириш** ҳаракатларини ҳам қамраб олади. Демак, миннатдорчилик билдиришда қатор коммуникатив вазифалар амалга оширилади.

И.В.Варфоломеева миннатдорчилик билдиришда амалга ошириладиган бундай коммуникатив ҳаракатлар муайян кетма-кетликда юз бериши, яъни стимул ҳаракатдан сўнг унга нисбатан ўз навбатида миннатдорчилик жавоб реакцияси келишини қайд этади. Тадқиқотчи мазкур нутқий ҳаракатларнинг қуйидаги умумлаштирилган интректив моделини тавсия қилади:

I. ҲАРАКАТ – СТИМУЛ ->

II. МИННАТДОРЧИЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ (Миннатдорчилик нутқий акти ± Қўллаб-қувватловчи нутқий акт)->

III. [± ВЕРБАЛ РЕАКЦИЯ].

Бизнингча, ушбу моделда амалга оширилган яхшиликни эътироф этиш ва унга ҳиссий баҳо бериш ҳаракати назардан четда қолган. Бу ҳаракат ҳам миннатдорчилик билдириш жараёнида муҳим бўлиб, ўрта поғонадан ўрин олади. Қилинган яхшилик эътироф этилмаса, унга ҳеч қачон миннатдорчилик билдирилмайди. Шу жиҳатдан яхшиликни эътироф этиш ва унга ҳиссий баҳо бериш босқичи тавсия этилган интерактив моделдан ўрин олиши керак.

А.Бердникова миннатдорчилик билдиришда амалга ошириладиган бундай мураккаб коммуникатив вазифаларни инобатга олган ҳолда миннатдорчилик нутқий жанри (тадқиқотчи миннатдорчилик ифодасини нутқий жанр ҳисоблаган)ни эмотив, ритуал ва баҳо ифодаловчи турларга ажратган.

Албатта, миннатдорчилик актлари нутқ эгасининг миннатдорлик ҳиссий муносабатини бевосита акс эттирганда эмотив нутқий акт саналади. Сўзловчи миннатдорлик ҳиссини ифодалашда жамиятда шаклланган нутқ одоби, мулоқот маданияти қоидаларига амал қилади. Бу жиҳатдан миннатдорчилик актини ритуал, яъни халқнинг миллий одатларини намойиш этувчи нутқий акт ҳисоблаш мумкин. Нутқ эгаси яхшиликни эътироф этишда, тан олишда унга

ўз баҳосини ҳам билдириб ўтади. Бундай ҳолатда миннатдорчилик нутқий акти баҳо муносабати билан мураккаблашади. Мазкур хусусиятлар миннатдорчилик нутқий актларида кўпинча бирвақтда кузатилади. Шунга кўра, бизнингча, миннатдорчилик нутқий актларининг эмотив, ритуал ва баҳо ифодаловчи алоҳида турларининг ажратилиши унчалик тўғри бўлмайди.

Шахслараро муносабатнинг миннатдорчилик нутқий актлари орқали амалга ошишида **яхшилик қилувчи шахс** ва **миннатдорчилик билдирувчи шахс** муносабати муҳим ўрин эгаллайди. Бундай шахслар мулоқот жараёнида яхшилик қилувчи (адресат) ва яхшиликни қабул қилиб (адресант), миннатдорчилик билдирувчи шахслар ролини бажаради.

Яхшилик қилувчи адресат бирор бир шахснинг қийналган ҳолатини кўриб, уни эътироф этувчи, яхшилик қилувчи (эътибор кўрсатувчи) ҳамда бу нутқий вазиятда миннатдорчиликни қабул қилувчи адресант ролини ҳам бажаради. Миннатдорчилик билдирувчи шахс эса ўзига қилинган яхшиликни эътироф этувчи ва уни қабул қилувчи (адресант), шунингдек, қилинган мазкур яхшиликка миннатдорчилик билдирувчи шахс (адресат) ролларини адо этади. Аммо тенг бўлган ижтимоий шароитларда бу шахсларнинг вазифаси ўзгариши мумкин.

Т.В. Тарасенконинг қайд этишича, тенг ижтимоий шароитда ва тенглик вазиятида тингловчи сўзловчидан миннатдорчиликни талаб қилиши ёки кутиши ҳам мумкин. Миннатдорчилик нутқий этикетининг юз бериши коммуникантларнинг баҳолаш тизими билан бевосита боғлиқ: миннатдорчиликни қабул қилувчи нафақат миннатдорчилик билдиришни, балки унинг “ҳажми”ни ҳам “режалаштиради”, бундан ташқари у нафақат ҳозир, ҳатто келажакда ҳам маълум бир ҳатти-ҳаракатлар амалга ошишини кутади. Миннатдорчиликни қабул қилувчи сўзловчининг нутқий ҳаракати, агар кутганига мос келмаса, уни салбий баҳолаши мумкин.

Демак, миннатдорчилик билдириш жараёнида қатнашувчи мулоқот иштирокчиларининг вазифалари уларнинг ижтимоий тенглиги, тенг муносабатга асосланган нутқий вазият каби ташқи омиллар асосида ўзгариши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам ушбу иштирокчилар ўзаро оппозитив муносабатда бўлади. Яъни: яхшилик қилувчи шахс – миннатдорчилик билдирувчи шахс оппозицияси; яхшилик қилиш ижтимоий мажбуриятини ҳис қилган шахс – қилинган яхшиликка нисбатан ўзида қарздорлик ҳиссини туйган шахс оппозицияси; яхшилик қилишни ният қилган ҳамдард шахс – яхшиликни эътироф этган шахс оппозицияси; яхшилик қилиб, миннатдорчилик қутувчи – яхшиликни қабул қилиб, миннатдорчилик билдирувчи шахс оппозицияси кабилар. Ушбу шахслар муносабатидаги оппозициянинг турли кўринишда бўлишида мулоқот жараёнига таъсир кўрсатувчи экстралингвистик омиллар муҳим роль ўйнайди.

Миннатдорчилик нутқий актини содир этишда миннатдорлик ҳиссининг қандай адресантга қаратилганлиги аҳамиятли. Адресант мақомидаги кишилар ўзаро мулоқотдаги якка шахс, бир неча шахс ёки жамоадан иборат бўлиши мумкин. Масалан, ўтказилган бирор анжуман, кенгаш кабиларда қатнашганларга уларнинг иштироки учун умумий тарзда *“Кенгаш ишида қатнашганингиз учун раҳмат!”*, *“Анжуманда иштирокингиз учун ташаккур!”* тарзидаги миннатдорчилик нутқий актларидан фойдаланилади.

Миннатдорчилик категорияси сўзловчининг коммуникатив нияти асосида муайян мулоқот вазиятида вербаллашувчи категориядир. Бошқача айтганда, миннатдорчиликни изҳор этиш эҳтиёжи учун муайян мулоқот муҳити юзага келмаса, миннатдорчилик нутқий акти содир этилмайди. Мулоқот муҳити юзага келиши учун кимдир кимгадир яхшилик қилиши, эҳтиром кўрсатиши, бирор эзгу ҳатти-ҳаракатни содир этиши лозим. Ушбу акт содир этилгач, яхшиликни қабул қилувчи (тингловчи) томонидан унинг эътироф этилиши ва баҳо берилиши миннатдорчилик нутқий актининг шаклланишига туртки беради.

Баъзан нутқ эгаси ўтган замонда ҳис қилган миннатдорчилигини ҳикоя қилади. Ёки сўзловчи ўзганинг миннатдорлик ҳиссини ҳикоя тарзида баён қилади. Бундай ҳолатларда ҳам миннатдорчилик нутқий акти содир этилмайди. Масалан:

Мен нимага эришган бўлсам – барчаси учун ганимларимдан миннатдор бўлдим. (Т.Мурод. “Отамдан қолган далалар”)

Ахир нимани ҳам гаплашасан танимаган билмаган одамнинг билан? Салом! Салом! Мана бунинг ничча сўм? Фалон сўм! Бир кило беринг. Мана, марҳамат. Раҳмат! Бўлдим шуну? Бўлди-да! Уни сен танимасанг, у сени билмаса. (Ш.Маткарим. “Бозор”)

Сўзловчининг миннатдорлик ҳисси адресантга етиб бормаган ёки ҳали билдирилмаган, режалаштирилган ҳолатларда, ўзгалар томонидан ҳикоя қилинганда, сўзловчи бирор кимсанинг келгусида миннатдор бўлишини исташи ифодаланган ҳолатларда ҳам миннатдорчилик нутқий акти содир этилмаган ҳисобланади. Масалан: *Келажак авлодларимиз биздан миннатдор бўлсин!* (Газетадан)

Демак, миннатдорчилик билдирилиши учун юзага келиши шарт бўлган мулоқот вазияти қуйидаги босқичларни қамраб олади: **яхшилик қилиш учун асос** (мотив), **яхшиликнинг амалга ошиши** ва **яхшиликнинг эътироф этилиши, баҳоланиши**.

ХУЛОСА

Хуллас, миннатдорчилик билдириш кўпбосқичли жараён саналади. Ушбу жараёнининг фаол иштирокчилари – яхшилик қилувчи (эҳтиром кўрсатувчи) шахс ва яхшиликни эътироф этиб, миннатдорчилик билдирувчи шахс ўзаро коммуникатив алоқага киришган мулоқот эгаларидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Носрати А. Речевой акт благодарности в русской и персидской лингвокультурах // Вестник Пермского университета. Российская и зарубежная филология. Т. 14. Вып.2. – Пермь. 2022. – С.55.
2. Турдиева Х. Нуткий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи (форс ва ўзбек тилларидаги материаллар асосида): Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020. – Б. 22.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.597-598.
4. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. –М.: Оникс, 2008. – С. 94.
5. Даль В. И. Толковый словарь русского языка. Современная версия. – М.: ЭКСМО-Пресс, 2000. – С. 59.
6. Oxford Advanced Learner's Dictionary 7th edition. – Oxford, Oxford University: Press, 2005. – Р. 678.
7. Краева С.С. Лингвопрагматические особенности речевого жанра благодарность: Дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2015. – С. 43.
8. Варфоломеева И.В. Дискурсивное событие выражения благодарности в естественной коммуникации в английском и русском языках // www.gramota.net/materials/1/2010/11-1/49.html
9. Бердникова А.Г. Речевой жанр благодарности: Когнитивный и семантико-прагматический аспекты: Дисс. ... канд. филол. наук. – Новосибирск, 2005. – 224 с.
10. Тарасенко Т.В. Этикетные жанры русской речи: Благодарность, извинение, поздравление, соболезнование: Дисс. ... канд. филол. наук. – Красноярск, 1999. – С. 85-86.